А. С. ПУШКИН.

## Чаадаевга атаб

Севги, умид, жимжит шон алдоқлари
Эрмак бўлолмади бизга кўп замон,
Ўтди ёшлигимиз овунчоқлари

Гўёки туш, гўё тонгдаги туман;
Аммо ёнар ҳали бизда иштиёқ,
Ёвуз бу салтанат қилса ҳамки жабр,

Қалбимиз талпинар бетоқат, бесабр,
Ватан даъватига соламиз қулоқ.
Ошиқ йигит ширин висол дамини

Зориқиб кутгандай, бўлиб нигорон —
Муқаддас озодлик минутларини
Ишонч-ла кутамиз энтикиб ҳамон.

Ҳали эрк майлида ёнар эканмиз,
Юрак ҳаёт экан номусга-шонга,
Дўстгинам, ватанга жонни тикканмиз,

Кўнгил орзулари фидо ўшанга!
Ишон, шубҳа қилма, келар у замон,
Балқар бахт юлдузи, — дилбар ва порлоқ!

Россия уйқудан уйғонар, инон,
Шоҳлик вайронаси устига ўрток,
Ёзилажак бизнинг номлар, бегумон.

1818.

МИРТЕМИР таржимаси.

## Қушча

Ватаним одатин бегона элда
Мен муқаддас билиб бажармоқдаман:
Баҳор байрамида — гўзал сайилда
Қушчага эрк бериб учирмоқдаман.

Кўнглим шундан топар тасалли — ором:
Худодан нолишим ўринли эмас,
Ахир мен озодлик этолдим инъом
Ақалли биргина жонга бу нафас!

1823.

Ҳамид ҒУЛОМ таржимаси.

## У шеър ўқийди...

Пушкин шеър ўқийди, тинглайди борлиқ, —
Қалбини очмишдир завқу ҳавасда.
Жўшаётир шоир, қоқмайди киприк,
Дилга ларза солмиш ҳар бир нафасда.
Тошиб сўйлаётир муқаддас эркни,
Сув, ҳаводек зарур ҳақ, адолатни.
Башар истагини, қалблар дардини,
Изҳор этаётир меҳр-муҳаббатни.
«Ҳаммадан муқаддас инсондир, инсон.
Уни ардоқланг!» деб ўгитлаётир.
Башар ҳам Пушкинни эъзозлаб ҳар он,
Ҳайкали олдида бош эгаётир.
«Инсон ер юзининг жони ва кўрки,
Усиз маъюс, ғариб эрур бу дунё!
Шод умр, шод бахтга асосдир эрки,
Поймол этманг уни, хўрламанг асло!
Эъзозланг!» деб куйин янгратаётир.
Шоир шеър ўқийди.
Ҳайратда қолиб,
Тинглаётир барча эллар лол-ҳайрон.
Шоирни қалбларга сингдираётир,
Авлоддан-авлодга сингмиш онма-он.
Кўз ўнгимда аён пушкинча олам,
Туғдордир жаҳоний даврага илҳом.
Шаънига соз чалмиш жамики одам, —
Қалбида шеърга чексиз эҳтиром.

Рўзи ҚОДИРИЙ.

## Шоирнинг сўнгги нафаси

Хилватгоҳ излаган хотира, армон,
Телба ўй-хаёллар сизга алвидо!
Бугун сеникиман — Журъат, Ғалаён,
Ўжар Эрк қисмати — муборак жазо...
Хайр, хор кимсалар, ялинчоқ кўзлар,
Майда тубан жонлар, нурга кетаман.
Хайр, нафс қурбони — риёкор сўзлар,
Сизларга сўнгги бор видо айтаман.
Мунофиқ кимсалар, этагимдан қоч,
Энтикар тунд осмон, титрайди тоғлар —
Саф-саф гуноҳларни ямлайди ер оч,
Жаранглаб чайқалар — мевали боғлар.
Лабимда тинмас най чалганча хушҳол,
Фируза боғларга кириб бораман.
Мен ҳали қушларда қайтгум минг баҳор,
Қон рангли қабримни гулдай ёраман...

Севара ВАФО.

## Пушкин таърифида

«Биз ундаги тасодифий нарсаларни, замона шароити ва мерос қилиб олган шахсий хислатлари билан боғлиқ бўлган нарсаларни — дворянча, замонига хос нарсаларнинг ҳаммасини ажратиб олмоғимиз керак — улар бизники эмас, бизга ёт ва кераксиз нарсалардир. Қачонки, биз уларнинг ҳаммасини четга суриб қўйганимизда, айни мана шу шеърнинг гўзаллиги билан, ҳис ва фикрларни ифодалаш кучи билан ҳеч кимни ўз олдига туширмаган шоир, улуғ рус адабиётига асос қурган шоир гавдаланади».

Максим ГОРЬКИЙ.

## А. С. Пушкинга бағишланади

Ўзбекистонда А. С. Пушкин туғилган куннинг 189 йиллигига бағишланган адабий кечалар бошланди. Бундай кечалар XXII Бутуниттифоқ Пушкин шеърияти байрами доирасида ўтмоқда. 6 июнь куни Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйида ҳар йилги пушкинхонлик байрамининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унинг қатнашчилари А. С. Пушкиннинг ўзбек ва уйғур, тожик ва корейс, қрим-татар ҳамда СССР халқларининг бошқа тилларига янги таржима қилинган асарларини, улуғ шоирга бағишланган ўз асарларини ўқидилар, Пушкин қадамжолари бўйлаб қилган сафарлари тўғрисидаги таассуротларини ўртоқлашдилар.

Бутун республикада пушкинхонлик ўтмоқда. Клублар ва маданият уйларида, мактаб ва институтларда байрам концертлари ҳамда ёзувчилар билан учрашувлар, сўз усталарининг конкурслари ўтказилди. Китоб-сурат виставкалари ташкил этилди.

(ЎзТАГ)



## Тоғларнинг сирли безаги

Тоғларимизга нуқта хол бўлиб тушган ер ости табиий карст бўшлиқлари ва улардаги зилол сувлар табиат ошиқларини ўзига чорлаши бежиз эмас, албатта. Аввало шуни айтиш ўринлики ер ости бўшлиқларини батафсил ўрганмай қурилган сув омборларида сув йиғилмаслиги ёки тўғонлар, бинолар, йўллар бу бўшлиқларга чўкиб, бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши карст ҳодисасининг салбий томони бўлса-да, ғор ва булоқларнинг инсон учун фойдали томонлари жуда кўп.

Карст бўшлиқларидаги кўпгина фойдали қазилмалардан ташқари уларга ёғин сувлари йиғилиб, булоқларни йил давомида зилол сув билан таъминлаб туради. Бу булоқлар эса кўпгина тоғ қишлоқларининг бунёд этилишига сабаб бўлган, булоқлар дам олиш уйларини, чорвани, боғу роғларни сув билан таъминлайди. Мутахассислар булоқларни ўрганиш жараёнида аввало уларнинг тўйиниш манбаларини, яъни сув йиғиш майдонларидаги карст бўшлиқларини, дарё ўзанларидаги ўпқонларни ҳамда уларга тушиб сирли йўқолувчи ёғин ҳамда оқар сувларнинг ҳолати ва миқдорини ўрганишади. Сўнгра эса ғорларга тушиб ер ости сув ҳавзасининг турли зоналарида бу сувнинг «саёҳати», уларнинг кимёвий таркиби қандай қарор топиши, ҳарорати, ер ости турли йўналишларидаги тезлиги, қайси сувлар ҳисобига йиғилиши кабилар текширилади. Бевосита текширишнинг иложи бўлмаса махсус бўёқлар ёрдамида уларнинг ер остидаги ҳаракат йўналишлари, тезлиги, ер сатҳига чиқиш жойлари кабилар аниқланиб картага туширилади. Бу қилинган ишлар туфайли булоқлар сири, яъни булоқ сувининг миқдори, таркиби, ҳарорати каби кўрсаткичлари, маълум майдондаги тоғ жинсларида қандай ташкил топиши каби хусусиятлари ойдинлашади. Бу эса булоқлардан оқилона фойдаланиш ва сув йиғиш майдонларининг санитария ҳолатига эътибор берган ҳолда сув сифати ҳақида қайғуруш, «муқаддас» булоқлар сирини фош этиш каби имкониятларни яратади. Лекин ғор ва булоқларнинг барча сирларини, уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини биргина мақолада атрофлича ёритиш қийин. Чунки улар миллион йиллар давомида ер юзида мавжуд, юз минг йиллардан бери эса турли мақсадлар учун фойдаланиб келинмоқда. Инсон ўзига уй қуришни билмасдан олдин табиатдан бошпана сўради. Буни яқинда топилган ва бундан бир ярим миллион йил аввал Танганика ғорида яшаган одамсимон мавжудотлар қолдиқлари кўрсатиб турибди. Кейинчалик аждодларимиз ғорларнинг шифти ва деворларига ўз турмуш тарзини ифодалаб суратлар чизишди, диний маросимлар ва қурбонликлар қилишди, ғордаги нафис тошлардан ҳайкалчалар ясашди, молхона, қўйхона, отхона, «асаларихона», омборхона, шифохона, қамоқхона ҳам қилишди, темир эритиш ва қонунсиз танга ясаш жойи сифатида ҳам фойдаланишди, театр ва концерт зали, қўзиқорин етиштирадиган жой ва ресторан бўлиб ҳам хизмат қилди.

Ғорлардан бошқа манзилга ўтиш йўли ҳамда лаборатория, музей ва туризм объекти сифатида фойдаланилди. Турли фойдали қазилмалар, ҳатто олмос ва олтин ҳам қазиб олинди.

Ҳозирги замон карстшунослик ёки ғоршунослик фанлари ғорларни ва ундаги карст сувларини ўрганар экан спорт ва бошқа фанларнинг энг сўнгги ютуқларидан ҳам фойдаланади, натижада аниқ ва равшан илмий хулосалар чиқаради. Геолог билан археолог, гидрогеолог билан биолог, зоолог билан спортчи коллективлари ғорларда ҳамкорликда ишлашганда энг қизиқ ихтиролар юзага келади. Ғоршунослик фани инсониятнинг эски уйини, яъни мафтункор ер ости қасрларини ва ундаги зилол сувларни қўриқлаш билан ҳам шуғулланади, чунки бу уйларнинг кўпгина бурчакларида балки ҳали очилмаган кўпгина сирлар бўлиши мумкин. Бир қарашда сирлидек кўринган ғорларнинг шу каби хислатлари учун ҳам кўп сонли саёҳатчилар унинг ер ости қасрларини тезроқ кўришга ошиқишади. Афсуски, уларнинг айримлари ғор тинчини баъзан бузишади — ундаги нафис ҳосилаларни синдириб, ўзлари билан олиб кетишади, қадимги одамлар ғор деворларига чизган суратларнинг устидан бўёқ суришади, булоқ кўзида шиша синдиришади ёки унга турли чиқиндиларни ташлашади. Ваҳоланки, тоғ аҳли асрлар давомида уларни авайлаб келишган. Табиат «устахонаси»даги бу нодир омборлардан оқилона фойдаланиш ва улардан келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўлишлари учун уларни табиий ҳолда асраш давримиз тақозосидир.

И. ОТАЖОНОВ,
СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси.




Бу гулшан ичраки йўқтур
бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур
чиқса яхшилик била от.

Алишер НАВОИЙ.

Қадимги қўлёзмаларни варақлаганда

# Яхши сўз—жон озиғи

(Ҳикоят ва ривоятлар)

**Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёти ҳикоят, ривоят, матал, масал, турли ҳикмату нақлларга жуда бойдир. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати Зикрилла Эгамбердиев ана шу дурдоналарни тўплаб азиз оқшомхонларга туҳфа этди.**

«Тинглашга нолойиқ гап-сўзга кар бўл», дейдилар. Мана унга бир мисол. Қадимда бир подшоҳ бир асирни ўлдиришга фармон берди. Шўрлик асир ҳаётдан умиди узилиб, подшони боплаб сўкишга бошлади. Зеро: «Киши жондан умид узгани замон, кўнглида борини этади баён» деган халқ нақли бор.

Подшо сўради: «У нима деяпти?» Софдил вазирлардан бири: «Эй подшои олам, «Ҳар кимки ғазабин ичига ютар, у гуноҳ қилганнинг гуноҳин ўтар», деяпти деб жавоб берди. Подшонинг раҳми келиб, асирни авф этди. Софдил вазирнинг пайини қирқиб юрадиган иккинчи вазир гапга аралашиб деди: «Бизнинг мавқеимизда бўлган одамлар подшо ҳузурида фақат рост сўзлашлари лозим. Бу асир подшони ҳақорат қилди ва шаънига ёмон гаплар айтди». Подшо бу сўзни эшитиб, қош-қовоғини солиб деди: «Сен айтган рост гапдан кўра, унинг ёлғони менга кўпроқ маъқул тушди, чунки унинг ёлғони хайрихоҳлик юзасидан айтилган эди, сеники эса, жиноятга бошлаш учун айтилди. Донишмандлар: «Фитна қўзғатувчи ростдан, маслаҳатли ёлғон яхши», деганлар.

⊙

Низом-ул Мулк олижаноб ва ҳаққоний вазир экан. Биров ҳадя келтирса ҳаммага баб-баравар бўлиб берар экан. Бир кун бир боғбон учта эртаги бодринг келтирибди. Вазир учала бодрингни ўзи еб қўйибди, боғбонга минг дирҳам инъом берибди.

Вазир дам олгани чиққанида, Нодим:

— Жаноб, сиз нима учун учала кўк бодрингни биргина ўзингиз едингиз, сизнинг одатингиз бундай эмас эди-ку? —дебди.

— Бодринглар аччиқ экан, бошқаларга берсам, аччиқлигига чидаёлмай деҳқоннинг кўнглини оғритар эдилар, — деб жавоб берибди Низом-ул Мулк.

⊙

Италиялик артист Алберто Сорди хушмуомала экан. Бир кун ёш жувонлар Сордини ўраб олиб, ундан дастхат сўраб турган эканлар. Шунда бир кампир ҳам уриниб, ниҳоят, Сордига рўбарў бўлибди.

— Жаноб Сорди, қари хотинга ҳам дастхат берасизми? — сўрабди.

— Жоним билан, лекин қани у қари хотин? — деб жавоб берибди Сорди.

⊙

Шоҳ Баҳром мадрасадан қайтаётганида сарой олдида ўтирган бир чолга рўпара келибди. Қария ниҳоятда юпун кийинган, чопонининг астар-авраси ағдарилиб кетган, кўринишидан хастага ўхшарди.

— Ассалому алайкум, ота, — дебди Баҳром бир танга узатиб. — Бетоб кўринасиз, юринг мен билан, ҳакимга кўрсатай.

Чол кўзига ёш олибди.

— Хайр-эҳсонинг мушкулимни осон қилмаса ҳам, ширин сўзинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди, ўғлим, —дебди у чеҳраси очилиб.

Абулқосим Фирдавсий деганларидек:

**Фақат яхшиликдан шиор келтиринг,**
**Агар қиш кўрсангиз, баҳор келтиринг.**

⊙

Улуғлар айтадиларки, олти пайтда одамнинг тили жим бўлмаса ундай тилнинг борлигидан кўра соқов бўлмоқ афзалдир. Биринчи—кўп гапиришда, иккинчи — қасам ичишда, учинчи — кишини уялтириб қўядиган беҳуда ҳазил-мутойиба пайтида, тўртинчиси — кишини ёмонлаб тилга олишда, бешинчиси —эркаклар орасида ўзгаларнинг хотини ҳақида гапиришда, олтинчи — ўзини бошқалардан юқори қўйиб, мақтаниш пайтида!

Дўсти дўстидан: — Нега жим бўлиб қолдинг, лом-мим ҳам демайсан?—деди.

Дўсти қоғозу қалам олиб жавоб ёзди. Унда: «Кечаги бемаъни гапдан сўнг тилимни ўн беш суткага қамадим» деб ёзилган эди.

⊙

Айтишларича, бир подшо жуда хушмуомала ва мулойим эди. У ошпазга: «Фалон хил овқат пишир!» деб буюради ва у овқатга кўпгина масаллиқлар солишни айтади. Ошпаз ўша таомни пишириб, бошқа хил таомлар билан подшонинг олдига келтириб қўйди. Подшо ўзи буюрган овқати ичида ўлиб ётган пашшани кўрди ва секин олиб ташлади. Таомдан бир луқма олган эди, ундан яна пашша чиқди. Подшо бу овқатдан қўл тортиб, бошқа таомлардан тановул қилишга киришди. Дастурхон йиғиб олингач, подшо ошпазни чақириб, қулоғига деди: «Мен учун тайёрлаган овқатинг жуда ширин бўпти. Эртага ҳам шунақа овқатдан пишир. Фақат шу шарт биланки, унда пашша озроқ бўлсин!» Ҳозир бўлганлар подшонинг ҳеч бир қўполлик қилмай, мулойим сўзлар билан ошпазни боплаб жазолаганига қойил қолибдилар.

Шоир демиш:

**Жазонинг ўрнига, лутф кўрса киши,**
**Ҳижолат чекишдир бир умр иши.**

⊙

Ҳукамоларнинг айтишича, хушхулқликнинг ўнта нишонаси бор экан. Биринчиси — халқ тўғри деб топган нарсага нотўғри деб қарамаслик. Иккинчиси — ўз нафсига инсоф бериш. Учинчиси — айб қидирмаслик. Тўртинчиси —бировдан ёмонлик содир бўлса, уни яхшига йўйиш. Бешинчиси — агар гуноҳкор узр сўра, узрини қабул қилиш. Олтинчиси — муҳожирлар ҳожатини чиқариш. Еттинчиси — эл ғамини ейиш. Саккизинчиси — ўз айбини тан олиш. Тўққизинчиси — эл билан очиқ юзли бўлиш. Ўнинчиси — одамлар билан ширин муомала қилиш.

Бузургмеҳрдан Ануширвон сўради: «Мулойимлик қандай бўлади?». Жавоб берди: «Мулойимликни нишоналари бор. Бири шуки, қовоқ солиб, қаттиқ гапирган одамга очиқ юз ва ширин сўз билан жавоб берилади. Ёмон феъл билан жонни оғритган одамга яхши феъл билан жавоб қайтарилади».

Мулойимликнинг иккинчи нишонаси — ғазаб ўти шуъла уриб, унинг даҳшати ҳаддан ошиб кетса, ўзни тутиб, уни ўчиришдир. Шундай қилганда кишининг дили ҳам, руҳи ҳам таскин топади. Учинчиси, гуноҳкорни жазога маҳкум қилаётганда ғазаб ўтини сўндириб, сўнг чуқурроқ ўйлаб иш тутишдир. Шуни ҳам билмоқ керакки, баъзи вақтда ғазаб мулойимликдан яхшироқдир.

⊙

Саҳрода яшайдиган одамлардан бири саҳрода кетаркан, бир чуқурликда йиғилиб қолган ёмғир сувини кўриб қолди. Бу сув балчиқ, лойга аралашиб ранги ўзгарган, бадбўй бўлиб қолган эди. Умрида шўр сувдан бошқа ширин сувни кўрмаган бу саҳро одами ёмғир сувини бир оз ичиб кўрди, сув унга жуда ҳам ширин туюлди. Севиниб ўз-ўзига:

— Бу сув дунё суви эмас, жаннат суви бўлса керак. Бу жаннат сувидан халифа Хорун-ар Рашидга ҳадя қилсам, у менга, албатта, инъом-эҳсон қилади, шу билан муҳтожликдан қутуламан, — деб ўйлади. Дарҳол ёнидаги кичик бир идишга ёмғир сувини тўлдириб, Бағдод шаҳрига қараб жўнади.

Ўша куни халифа Хорун-ар Рашид одамлари билан бирга саҳрода ов қилиб юрган эди. Ҳалиги одам халифани кўриб қолди. Севиниб дарров келиб Хорун-ар Рашидга таъзим қилди. Идишдаги бузилган бадбўй ёмғир сувини жаннат суви деб мақтаб, халифага тақдим қилди. Халифа идишдаги ранги ўзгарган, бадбўй ёмғир сувини кўриб масалага дарҳол тушунди. У одамга:

— Баракалла, биродар, менга жуда ҳам қимматли ҳадя келтиргансан, бу сув ҳақиқатан бу дунё суви эмас, жаннатдан чиққан сув. Бу муборак жаннат сувини фақат ўзим ичаман, ҳеч кимга бермайман, — деди ва хизматчисига ишора қилиб:

— Биродарим келтирган мана бу муқаддас ва муборак жаннат сувини менинг хос сув идишимга қуйиб қўй, эҳтиёт қилиб сақла, — деди. У одамга минг танга инъом қилиб, Бағдодга бормасдан, ўз уйига қайтиб кетишга буюрди. У киши халифанинг инъомини олиб, севина-севина уйига қайтди.

Кейин одамлар халифадан:

— Нима учун у одамга шаҳарга бормай, шу ернинг ўзидан уйига қайтиб кетишга буюрдингиз?— деб сўрадилар. Хорун-ар Рашид айтди:

— Умрида ширин сувни ичиб кўрмаган у саҳро одами ранги ўзгарган бадбўй ёмғир сувини жаннат суви деб ўйлаб, менга ҳадя қилиб келтирган. Агар мен у келтирган сувни, бузилган сув деб ўзига қайтарсам, унинг кўнгли озор топарди. Шунинг учун сувни олиб қолиб, инъом-эҳсон қилдим, Агар у одам ободонликка борса, ширин оқар сувларни кўрса, бузилган сувни ҳадя қилганидан уяларди. Мен унинг кўнгли озор топмаслиги, уялмаслиги учун шу ердан ўз уйига қайтиб кетишни буюрдим.

⊙

Алишер Навоийнинг дўсти Паҳлавон Муҳаммад шоҳнинг ғазабига учради. Соқол-мўйлабини қириб, калтадум либос кийиб, кўчама-кўча юришга маҳкум қилинади. Паҳлавонни шармандаликдан қутқазиш учун Навоий шоҳга:

— Мен ва Паҳлавон Муҳаммад ёшлигимизда бир хил кийинамиз, бирга юрамиз, деб аҳд-паймон қилган эдик. Буюринг, менинг ҳам соқол мўйлабларимни олсинлар. Калта либос кийгизсинлар, сўнг мен паҳлавон билан бирга кўча кезай, — дебди. Бу сўзларнинг маъносини англаган шоҳ ғазабидан қайтиб, ҳукмни бекор қилибди.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

## Илғор педагогик тажрибалар

Мактаб ислоҳотини амалга ошириш жараёнида кўпгина илғор педагогик тажрибалар орттирилди. Бу каби ибратли иш усулларига республикамиз ўқитувчиларининг новаторлик ҳаракати туфайли эришилди.

Ана шу бой методик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш борасида Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги томонидан муҳим тадбирлар кўрилди. Предмет ўқитувчиларининг методик томондан бойитилган мазкур шахсий тажрибалари алоҳида материал сифатида ишлаб чиқилди.

Маориф министрлиги методистлари ва Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институти ходимлари томонидан тайёрланган ушбу методик ишланма «Ўқитувчилар шахсий тажрибаларини умумлаштириш бўйича умумий тавсиялар» деб номланиб, жойларга юборилди.

Акбар АЛИЕВ.



## Бола кўзлари

Дунё асли боланинг
Униб-ўсар бешиги.
Тимсоли шалоланинг
Шўх, жарангдор қўшиғи.
Унинг қалбин тинмасин
Мусибатнинг қамчиси.

Кўзлари ёш билмасин
Оғирдир ҳар томчиси.
Олам обод бўлгуси
Одамзод қилса гар аҳд.
Боланинг шод кулгуси
Куррамизга бўлсин бахт.

Қорачиғи ўзимман,
Англанг, дегандай гўё,
Чақноқ бола кўзидан
Боқар бизларга дунё!

Р. ШАРИПОВ фотоси.

## «Шеф» ҳузурига

(Ҳажвия)

«Ёмонни кўрмай яхшининг қадрига етиш қийин» деган мақол айнан бизнинг ишхонага тўғри келади. Аввалги бошлиғимиз ёш бўлса ҳам ишбилармон, босиқ, талабчан киши эди. Пайти келса мажлис ўтказарди. Шунда ҳам мен эснайвериб эсим кетарди. Чунки, мажлисга «суяги» йўқларданман.

Ҳозирги шефни сиз сўраманг, мен айтмай. Агар соқол қўйиш замони бўлганда, шефимизнинг оппоқ соқоли кўксига тушарди. Шефинглар мункиллаган чолми, дерсиз. Ҳай-ҳай, ундай дея кўрманг, балога қоласиз-а.

Шефимизнинг эпчиллигига таҳсин ўқимай илож йўқ. Бир кўрсангиз бичув цехининг гулрухсорлари билан гурунг қилиб ўтирган бўлади, бир қарасангиз тикув цехида кимнидир қойиётган бўлади. Кабинетида ҳам бўлиб туради, у ерда ҳам бир ишчиси билан кунига бир-икки марта алоҳида-алоҳида «мажлисча» қилиб олмаса кўнгли тинчимайди.

Ҳа, «мен гап биламан», «иш биламан», деб юрганлар бошлиғимиз олдида ип эшиш у ёқда турсин, калаванинг учини тополмай қолади.

...Бир куни денг, ишга бир ярим минут кечикиб келдим. Бошлиқнинг ўшандаги ҳолатини эсласам, юрагим орқамга тортиб кетади.

— Ҳой, тўхтанг-чи, нега кечикиб келяпсиз! — соатига бир қараб олди-да, бақиришга тушди: — Ахир биласизми, бир минутда қанча иш қилиш мумкин! Билмасангиз, эшитинг. Мамлакатда бир минутда қанча чўян эритилади, қанча кўмир қазиб чиқарилади, қанча бола туғилиб, қанча киши ҳаётдан кўз юмади... — Ҳаммасини бир бошдан айта кетди. Унинг сийрак сочлари тиккайиб кетган, юз йиллик касалдан тургандек кўринадиган заҳил юзи оқариб, юпқа лаблари пир-пир учарди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўшанда нақ икки соат мени гап билан «дўппослади». Шундай қилиб, мен икки соату бир ярим минут вақтимни бекорга ўтказиб юбордим. Энди иш жойимга бориб иш бошлаган ҳам эдимки, секретарь қиз югуриб келди-да:

— Ҳамма шеф ҳузурига! — деди буйруқ оҳангида.

Яна мажлис! Аммо қанақа мажлис, нима тўғрисида, мазмуни нима, ким муҳокама қилинади, хуллас, ҳеч нима тушунмадим. Фақат мажлис сўнгида шеф шундай деди:

— Ҳа, вақтдан унумли фойдаланинглар, ортиқча гапириб, валақлашиб ўтирганларингни кўрсам чатоқ бўлади.

Биз мажлисдан чиққанимизда қўшни идорадагилар тушликка кетишаётган экан. Биз ҳам тушликка отландик. Шунда секретарь қизнинг қўнғироқдек овози жарангларди:

— Тушдан кейин ҳамма шеф ҳузурига!...

Ойниса БОБОНОВА.

## Қулоққа чалинган гаплар

Шунча «ўпкамни қўлтиқлаб», шошиб-пишиб келсам ҳам улгура олмадим...

**(Прогулчининг изоҳи).**

Бугун: «Ўғрини қароқчи урди».

Эртага: «Суд»...

**(Театр афишасидан).**

Мана, бир ҳафта бўлди, «ямада» турибман.

**(Шофёрнинг гапи).**

Опўси, ўғлимизни ўқимаган экан деб камситманг, ўзи топиш-тутишлигина, битта хотин экан-ку, «ўнтасини» ҳам бемалол боқишга қурби етади, айланай...

**(Совчилар мақтовидан).**

Овсинжон, бизнинг «уруғимизда» бундай «кирди-чиқди» одамлар асло йўқ...

**(Аёллар суҳбатидан).**

Пештахталаримизда мавжуд бўлган тайёр кийимларнинг размерлари бўй-бастларига, тикилиши ва ранги эса, дидларига маъқул келадиган харидорларни чекланмаган миқдорда лутфан таклиф этамиз...

**(Магазин рекламаси).**

«Чамадонда» ўн кишилик ўрин бўш...

**(Чамадон цехи бошлиғининг ахбороти).**

Фозилжон ОРИПОВ.

